

Ҳарбий қисмга ташриф

2019 йилнинг 15-16 май кунларида ТИҚХММИ ҳарбий кафедраси 10, 11 ва 12 гурӯҳ талабалари амалий машғулотларни ўтказиш ва ҳарбий қисм фаолияти билан танишиш мақсадида 44868 - ҳарбий қисмга ташриф буоришиди.



Ҳарбий қисм командирининг ўринбосари капитан Матяқубов Э. талабаларни 15 май куни кутиб олиб ва уларга ҳарбий қисм худудидаги хавфсизлик чораларини, кун тартиби, ҳамда амалий машғулотлар режасини етказиб тадбирни бошлаб берди. 44868 - ҳарбий қисм бўлинмаси бошлиғи капитан Худойберганов Ш. талабаларга Топогеодезик маҳсус ишларни амалий бажаришдан олдин, оптикали теодолит ва электрон тахеометрни соз ҳолатини текшириш, ҳамда ишга тайёрлаш тўғрисида батафсил маълумот берди.



Талабаларнинг иккинчи группаси капитан Матяқубов Э. бошчилигига автомат АК-74 ва пистолет ПМ ни нотўлиқ қисмларга ёйиш, ҳамда йиғиш машқларини бажаришни ўрганиб амалий машғулотга киришишиди. Машғулот давомида талабалар ҳарбий қисмдаги суткалик наряднинг вазифалари ва уларнинг мажбуриятлари билан танишишиди. Ҳарбий қисм худудидаги амалий машғулотларнинг иккинчи куни шахсий таркибнинг эрталабки тарқатуви, саф кўриги ва дала юқ халтасини текшириш билан бошланди. Унда талабалар шахсий таркибнинг хатти - ҳаракатини кузатиб туришиди, хусусан дала юқ халтасининг ичидаги анжомлар уларда катта қизиқиш уйғотди.



Саф кўригидан кейин талабалар билан оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш машғулоти ўтказилди. Талабалар навбатдаги ўқув нуқтасида тактик-ўқув машғулотларни бажариш билан бир қаторда патронни ўқдонга жойлаш машқини ҳам амалий бажаришиди. ТИҚХММИ ҳарбий кафедраси катта ўқитувчиси Қуролли Кучлар хизматчиси (захирадаги подполковник) Наврузов Р.М. 44868 - ҳарбий қисм қўмондонлигига ҳарбий кафедра раҳбарияти, талабалари ва ўзининг номидан катта миннатдорчилик билдириди ҳамда ТИҚХММИ ректори номидан "Ташаккурнома" ёрлиғини капитан Матяқубов Э.га топширди.



ТИҚХММИ ҳарбий кафедраси катта ўқитувчиси Қуролли Кучлар хизматчиси (захирадаги подполковник) Наврузов Р.М. ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов